

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

600 Инвестиция воситачиларининг эмитентларга расмий дилер (маркет-мейкер)лик хизматларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1682-2

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 августдаги ПФ-4561-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази, Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 9 мартдаги 2007-03, 33, 289-В-сон қарори (рўйхат рақами 1682, 2007 йил 26 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 22-сон, 227-модда) билан тасдиқланган Инвестиция воситачиларининг эмитентларга расмий дилер (маркет-мейкер)лик хизматларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Қимматли қоғозлар бозорини
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш
маркази бош директори**

Б. АТАХАНОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 22 ноябрь,
2014-30-сон

50 (654)-сон

— 321 —

600-модда

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 22 ноябрь,
78-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 22 ноябрь,
289-В-2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги
Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлашти-
риш ва ривожлантириш маркази, Молия
вазирлиги ва Марказий банки Бошқаруви-
нинг 2014 йил 22 ноябрдаги 2014-30,
78, 289-В-2-сон қарорига
ИЛОВА

**Инвестиция воситачиларининг эмитентларга расмий дилер
(маркет-мейкер)лик хизматларини амалга ошириш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Муқаддимада:

«инвестиция воситачиларининг» деган сўзлардан кейин «, шу жумла-
дан тижорат банкларининг ва суғурталовчиларнинг» деган сўзлар билан
тўлдирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур Низомнинг талаблари давлат қимматли қоғозлари эмитентла-
рига нисбатан татбиқ этилмайди.».

2. 1-банднинг ўнинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси ҳузурида-
ги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат
қилиш Маркази» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қим-
матли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази»
деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Маркет-мейкерлик хизматлари инвестиция воситачиси томонидан у
Рўйхатга киритилганидан кейин амалга оширилади.».

4. Рус тилидаги матннинг 4-банди иккинчи хатбошисидаги «лицензии
на» деган сўзлар «лицензии, предоставляющей» деган сўзлар билан алмаш-
тирилсин.

5. 17-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Савдолар ташкилотчиси ҳар бир савдо сессияси бошланишидан аввал пул маблағлари ва қимматли қоғозлар лимитининг мувофиқлигини аниқлайди».

6. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Маркет-мейкер пул маблағлари лимитини таъминлаш мақсадида мазкур Низомда белгиланган тартибда қарз маблағларини жалб қилиш ҳуқуқига эга.».

7. 28-банддаги «Котировка нархларининг» деган сўзлар «Котировка (нархлар)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 43-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амал қилиши тўхтатилганда, тугатилганда ёки бекор қилинганда;».

9. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси*

Д. ХИДОЯТОВ

2014 йил 22 ноябрь